*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 34 (8524). ● 16 февраль, 1985 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

## ЯКДИЛЛИК ВАЗИЯТИДА

24 ФЕВРАЛЬ — Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар КУНИ

Республикада сайловчиларнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар билан учрашувлари давом этмоқда.

**13-Пушкин** сайлов округининг сайловчилари республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари **Тимофей Николаевич Осетров** билан учрашдилар.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — «Узгипротяжпром» институтининг директори Н. Ҳикматуллаев Т. Н. Осетровнинг ҳаёт йўли, меҳнат ва ижтимоий фаолияти ҳақида гапириб берди, сайловчиларни сайлов куни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун якдиллик билан овоз беришга чақирди.

«Узбекгазмаш» бирлашмасининг йиғувчи-слесари В. Смаль, Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлиги партия ташкилотининг секретари М. Усмонова, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг студенти Г. Арзиметова ва бошқа нотиқлар сайловга тайёргарлик зўр сиёсий активлик ва ғайрат-шижоат вазиятида ўтаётганини айтдилар. Меҳнат коллективлари партия ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли бажаришга интилмоқдалар, ишлаб чиқаришни интенсивлашни жадаллаштириш, йиллик топшириқларни барвақт бажариш соҳасидаги куч-ғайратларни оширмоқдалар. Барча совет кишилари қатори округ меҳнатчилари ҳам ўз сафларини Ленин партияси теварагида янада маҳкамроқ жипслаштириб, КПСС XXVII съездини, Совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган шонли Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олишни ўзларининг фахрли бурчи деб билмоқдалар.

Т. Н. Осетров сайловчилар ҳузурида сўзлаган нутқида билдирилган ишонч учун уларга самимий миннатдорчилик изҳор этди ва бу ишончни оқлаш ҳамда берилган наказларни бажариш учун бутун куч-ғайратини сарфлашга ваъда берди.

(ЎзТАГ).

# КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

*«СТРОЙПЛАСТМАСС»:*

## БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

КПССнинг бўлажак XXVII съезди, Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги ҳамда стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашаётган Оҳангарондаги «Стройпластмасс» комбинати меҳнатчилари кунига-кеча катта муваффақиятларга эришдилар. Улар ўн биринчи беш йиллик планларини муддатидан барвақт адо этишди. Беш йиллик бошидан бери истеъмолчиларга 87 миллион 123 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши 105,3 процентга етказилиб, қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий ҳажми салкам 2 миллион сўмликни ташкил этди. Халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Шу давр ичида 7 миллион 485 минг сўмлик ўрнига 9 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Комбинат коллективи айни кунларда ҳам иш суръатини бўшаштирмай олиб бормоқда. Ишчилар йил охирига қадар планга қўшимча 1 миллион сўмлик сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришади.

**А. АБДУЛХАҚОВ, А. АЪЗАМОВ.**

## ЭРТА ЭКИЛАДИ

КАЛИНИН районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозининг сабзавоткорлари ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида эл дастурхонига 7000 тонна сабзавот, 1450 тонна картошка ва кўплаб бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Айни кунларда хўжаликда мўл ҳосилга пухта замин яратилмоқда. Совхознинг теплица хўжалигида эртаки сабзавот кўчатлари тайёрлаш, ниҳолларни яйратиш ишлари қизғин боряпти. Хўжалик сабзавоткорлари кўчат бўлиқ бўлса, ҳосил мўл ва сифатли бўлишини яхши билишади.

— Хўжалигимизда бу йил ўзгаришлар жуда катта,— дейди парник хўжалиги бригада бошлиғи Мухтор Шоҳасанов. — 1,7 гектар майдонни эгаллаган теплицамизда айни кунларда бутун диққат-эътибор эртаки сабзавот кўчатлари етиштиришга қаратилмоқда. 15 декабрда 50 килограмм карам уруғи сепилган эди. Ҳозир кўчатлар тўла яйратиб қўйилди. Илгарилари совхозимизда плёнка остига карам, помидор кам экиларди. Бу йил эса 120 гектардан кўпроқ майдонда полиэтилен плёнкаси остида эртаки сабзавот етиштирилади. Шу мақсадда помидорнинг «Талалихин», «Премога» каби тезпишар навларининг уруғларини сепдик.

Ҳақиқатан ҳам теплица хўжалигида бўлган киши қизғин меҳнатнинг гувоҳи бўлади. Илғор кўчатчилар Моҳира Тешабоева, Ҳалима Маҳмуджонова, Нағима Эсеналиева, Урбугул Телесова, Карима Ўтетиллаевалар кунига 5,5—6 минг тупдан кўчатни яйратмоқдалар. Бу йил совхозда 5 миллион туп карам, шунча миқдорда помидор, 1 миллион туп болгар қалампири кўчатлари етиштириш режаланган.

**М. ДАМИНОВ.**

*ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ*

## ИШОНЧНИНГ БОИСИ



Биринчи қаторда ўтирган Муҳаббат Умарова ўзини ноқулай ҳис этарди. У мажлислар тўридан жой олишга одатланмаган, минбардан шаънига айтилаётган гаплардан эса қизариб кетганди. 92-Свердлов сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод билан учрашувда сўзга чиқаётган нотиқлар Муҳаббатнинг меҳнатсеварлиги, наказларни бажаришдаги жонкуярлиги ҳақида гапиришарди.

Муҳаббат энди умрининг ўттиз иккинчи баҳорини қаршилаяпти. Бутун таржимаи ҳоли бир неча сатрга жо бўлади: ўрта мактабни тугаллагандан бери Калинин районидаги Свердлов номли совхозда меҳнат қиляпти. Ҳамма қатори далада ишлайди, сабзавот етиштиради.

— Муҳаббатнинг ишга ўчлиги, ҳар бир юмушни сидқидилдан бажаришига ҳавасим келади,— деб ҳикоя қилади бригада бошлиғи Ҳамид Тожибоев.— Кўчат экишда ҳам, чопиқда ва ҳосилни йиғиштириб олишда ҳам у коллектив аъзоларига ўрнак кўрсатади. Бригадамиз деҳқонлари давлатга сабзавот топшириш бўйича беш йилликнинг тўрт йили планини ошириб бажарганлар. Эл дастурхонига пландагидан 1000 тонна кўп сабзавот топширдик. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 285 центнерни ташкил этди.

Йил якунини таҳлил этар эканмиз, Муҳаббат Умарова яхши фикрни ўртага ташлади. «Қишда далада унчалик иш кўп эмас,— деди у.— Теплица хўжалигида эса бу пайтда кўчатчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Уларга қарашиб юборсак қандай бўларкин?».

Унинг фикри кўпчиликка маъқул тушди. Бригадамиздан 10 нафарга яқин кишини Муҳаббат бошчилигида теплица хўжалигига ёрдамга жўнатдик. Улар ҳозир эртаки карам ва помидор кўчатларини далага экишга тайёрламоқдалар.

— Биз Муҳаббат билан бирга ишлаймиз,— дейди ишчи Дилором Юсупова.— У жуда дилкаш, меҳрибон. Ўз ишини чаққонлик билан бажариб қўяди-да, дугоналарига ёрдам беришга шошилади. Бирор иш қўл учида бажарилган бўлса, бефарқ қараб турмайди. Аввало ўзига талабчан, астойдил жон куйдириб ишлайди, камчиликларга муросасиз, ишда ҳам, турмушда ҳам ҳалолликни ёқтиради.

...«Депутатликка номзодимиздан янги мактаб қурилишини тезлаштиришда ёрдам беришини илтимос қиламиз». Муҳаббат 33-мактаб ўқитувчиси Абдушарип Абдулҳамидовнинг сайловчилар номидан берган бу наказини миясига муҳрлаб олди. Яна битта, аввалгиларидан анча жиддийроқ наказ.

У бундан илгари икки чақириқ область Совети депутатлигига сайланган. Биринчи марта сайловчилар билан учрашувда 3-, 10-бригадаларда истиқомат қилувчи совхоз ишчи-хизматчиларининг хонадонларини газлаштириш тўғрисида наказ олганида Муҳаббат анча иккиланган эди, тўғрироғи бир оз чўчиди. Ўзи оддий ишчи бўлса, газлаштириш масаласини ҳал қилиш осон гапми? Энди кимга мурожаат қилиши керак? Область Советида унинг ҳуқуқлари ва ваколатлари ҳақида гапириб беришгандан кейингина у ўзини анча дадил тута бошлади. Бир неча бор район ва область газлаштириш ташкилотлари раҳбарлари билан учрашди. Район ва совхоз раҳбарларининг яқиндан ёрдамида сайловчиларнинг бу наказй бажарилибгина қолмай, шунингдек, совхоз теплица хўжалиги, сут-товар фермаси, автотрактор паркини ҳам газлаштириш имкониятлари топилди.

Муҳаббат янги мактаб қурилиши нақадар зарурлигини яхши билади. Ўз вақтида Ленин номли 33-мактаб республиканинг намунали, таянч ўқув масканларидан бири ҳисобланарди. Кейинчалик мактабнинг бир қисмида қишлоқ ҳунар-техника билим юрти очилди. Эндиликда мактаб ислоҳоти амалга оширилиши, ўқувчиларнинг меҳнат тарбиясига талаб кучайиши муносабати билан янги бино қурилиши жуда-жуда зарур бўлиб қолди. Муҳаббат сайловчилар билан учрашувда ўтирар экан, ўзича мактабнинг янги биноси қурилишини тезлаштириш учун нималар қилиш, кимларга учрашиш режаларини тузарди.

Раислик қилувчи унга сўз бергандан сўнг минбарга кўтарилган Муҳаббат совхоз клубини тўлдириб ўтирган сайловчилар нигоҳи ўзига қаратилганлигини кўриб, ҳаяжонлангандан энтикиб кетди. Тутилиб-тутилиб, билдирган юксак ишончлари учун сайловчиларга миннатдорчилигини изҳор этди, уларнинг ҳурмат-иззатларини оқлаш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилишга ваъда берди.

Муҳаббат Умарова учрашувдан кейин яна бригадаси томон йўл олар экан, кўклам нафаси уфура бошлаган бу қадрдон далалар билан дилидагиларни баҳам кўргиси келарди. Энди у аввалгидан анча яхшироқ ишлаши керак. Қандай бўлмасин сайловчилар наказини бажаришга интилиши лозим.

У эртаки сабзавот кўчатлари экишга тайёрлаб қўйилган пайкалларга меҳр тўла кўз билан боқарди. Шу далалар қўйнидаги меҳнати уни элга танитди, қадр-қимматини оширди. У ҳам бу заминни янада эъзозлайди, ўзига билдирилган юксак ишончнинг боиси нимада эканлигини яхши билади.

**Э. ЭРНАЗАРОВ.**

## Тракторсозлар зарбдор вахтада





СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси машинасозлари шу кунларда қўш унум билан меҳнат қилмоқдалар. Улар баҳорги дала ишлари бошлангунга қадар деҳқонларимизга пландан ташқари кўплаб серунум тракторлар етказиб беришга қарор қилганлар. Шу муносабат билан бирлашмада ўтказилаётган социалистик мусобақада 4-цехнинг В. Бабигунов бригадаси азаматлари пешқадамлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Суратларда: (чапдан) хўжаликларга жўнатилаётган тайёр тракторлар; В. Бабигунов бригадаси аъзолари смена олдидан.

А. Тўраев фотолари.

*ЯГОНА СИЁСИЙ КУН*

## СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Мамлакатимизда чинакам социалистик демократия ўрнатилганлиги ва ривожлантирилганлиги октябрнинг ғоят буюк ғалабасидир. Ҳар бир совет гражданига давлат масалаларини ҳал этишда бевосита қатнашиш, халқ ҳокимияти органлари составига сайланиш ҳуқуқи берилганлиги социалистик демократиянинг ёрқин кўринишларидан биридир. Республика шаҳар ва қишлоқларида 15 февралда «Социалистик демократия тантанаси» мавзуида бўлиб ўтган ягона сиёсий кунда шулар ҳақида гапирилди.

Нотиқлар барча совет кишилари учун иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий советларига, халқ депутатлари маҳаллий советларига ўтказиладиган сайлов чинакам халқ ҳокимияти байрами бўлиб қолишини таъкидладилар. Ўзбекистон меҳнаткашлари республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ана шу шонли воқеани сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ғоят жўш урган бир вазиятда, КПСС XXVII съездига, улуғ Ватан урушида совет халқи эришган ғалабанинг 40 йиллигига, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигига актив тайёргарлик кўриш белгиси остида кутиб олмоқдалар.

Партия билан халқнинг бузилмас бирлиги, сайловчилар КПСС ҳамда Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликлари, меҳнат коллективлари бўлажак сайловни халқ хўжалигининг барча тармоқларида янги-янги ютуқлар билан нишонлашга астойдил интилаётганликлари коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда советларнинг роли ортиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

Советлар ўзларининг катта ваколатларидан тўла фойдаланишлари, яхши хўжайинлар каби ташаббускорлик билан ҳаракат қилишлари тўғрисида партия тинимсиз ғамхўрлик қилмоқда. Сиёсий кун қатнашчилари КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг «Халқ депутатлари советларининг ишини янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорлари, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида, унинг «Ривожланган социализм талаблари даражасига кўтарайлик» деган асарида олға сурилган вазифалар қандай амалга оширилаётганлигига катта эътибор бердилар. Ўртоқ К. У. Черненконинг нутқлари ва асарлари илмий коммунизм назариясига қўшилган ғоят катта ҳиссадир.

Социал-иқтисодий масалаларни ҳал этиш, ҳар бир коллективда интизом ва тартибни мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг талаб-эҳтиёжларини тўла қондириш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми кўрсатиб ўтган камчиликларни бартараф этиш учун советларнинг масъулиятини кучайтириш тўғрисида советлар доимо ғамхўрлик қилишлари лозим. Уларнинг куч-ғайрати ўн биринчи беш йиллик тугалловчи йили ва умуман шу беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этишга, совет халқларининг дўстлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, меҳнаткашларни интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга қаратилиши лозим.

Меҳнат коллективларининг вакиллари докладчиларга берган саволларида шунга эътиборни жалб қилдиларки, айрим маҳаллий советлар ва уларнинг ижроия комитетлари савдо-сотиқда, аҳолига коммунал ва медицина хизмати кўрсатишда тегишли тартиб ўрнатилиши учун ўз ҳуқуқларидан яхши фойдаланмаяптилар, меҳнат ва давлат интизоми бузилишига нисбатан муросасозлик қилмоқдалар, уй-жойларни одилона тақсимлаш учун бутун чораларни кўрмаяптилар. Ушбу масалалар ва аризалар тегишли органларда кўриб чиқилади деб, қайт этиб ўтилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, республика Компартияси ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, совет ва жамоат ташкилотларининг, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари саноат корхоналарининг, қурилишлар, колхозлар ва совхозларнинг, ташкилотлар ва ўқув юртларининг коллективлари ҳузурида доклад қилдилар.

(ЎзТАГ).

## БАЙРОҚ ТОПШИРИЛДИ

СССР чет эл туризми Давлат комитети Тошкент бўлимининг «Ўзбекистон» меҳмонхонаси коллективи 1984 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

15 февраль куни СССР чет эл туризми Давлат комитети раисининг ўринбосари В. А. Романов коллективга мукофотни топширди.

Қизил байроқни топширишга бағишланган йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. У. Султонова иштирок этди. (ЎзТАГ).

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

## Олтмиш процентн сифат белгили

ТУРМУШИМИЗ фаровонлигини оширишнинг асосий омилларидан бири бўлган кенг истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш шу куннинг муҳим вазифаларидандир. Бу шарафли ишни муваффақиятли адо этишга ҳисса қўшиш учун курашаётган Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикаси ишчи-хизматчилари барча резервларни ишга солиб, иш кўрсаткичларини юксалтиришга сафарбар этмоқдалар. Шу мақсад йўлида қизғин давом эттирилаётган изланишлар ҳам яхши натижалар бермоқда.

Корхона маркаси туширилган маҳсулотларнинг довруғи йил сайин ортиб боряпти. Бу — бежиз эмас албатта. Кейинги йилларда корхона шуҳратини оширувчи бир қатор муҳим ишлар қилинди. Шулар орасида илғор технологияни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, айниқса, самарали бўлди.

Завод меҳнатчиларининг кучи билан механизациялашган поток линиялар барпо этилди. Цех ва участкалар қайта реконструкция қилиниб, янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу туфайли беш йилликнинг ўтган даври мобайнида корхонада ишлаб чиқариш ҳажми анча ортди. Меҳнат унумдорлигининг кўзда тутилганидан юқори бўлиши таъминланди.

Аҳил коллектив ўтган йилнинг дастлабки кунлариданоқ белгиланган марраларни вақтида эгаллаш учун ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб ишлади. Республика юбилейи шарафига бошланган ўзаро меҳнат баҳсларининг оммавийлигига эришишга алоҳида эътибор берилди. Цехлар, бригадалар коллективлари ва ишчиларнинг ўз ишига нисбатан масъулияти кучайтирилди. Фабрикада янги-дан-янги ташаббуслар вужудга келди. Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлар сафи кенгайди.

Айниқса, бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажариш юзасидан бошланган ҳаракатга биринчилар қатори қўшилган корхонанинг олти илғор тикувчиси — Агустина Чуднова, Тамара Трофимова, Бибиноваль Петрушина, Фотима Ирисбекова, Дилёра Абкелямова, Клавдия Меметовалар меҳнатда қувончли натижаларга эришишди. Улар нормани мунтазам икки ҳиссадан ошириб адо этишди. Шу боисдан ҳам бу тажрибали ишчиларнинг меҳнат календарида айни кунларда 1989 йилнинг турли ойлари бошланган.

Бу илғор тикувчилар ёш ишчиларни тарбиялаш ва уларга ўзларининг бой тажрибаларини ўргатиш борасида ҳам катта ғамхўрликлар кўрсатишмоқда.

Беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган ҳаракатда ҳам фабриканинг юзлаб ишчилари актив иштирок этмоқдалар. Бундай меҳнат кўтаринкилиги белгиланган марраларни муваффақиятли эгалланишига ёрдам бермоқда. Биргина ўтган 1984 йилда фабрика коллективи истеъмолчиларга планга қўшимча 700 минг сўмлик маҳсулот етказиб бердилар. Товар ишлаб чиқариш плани 102,2 процент қилиб бажарилди. Йил давомида тайёрланган маҳсулотларнинг умумий ҳажми 23 миллион сўмликдан кўпроқни ташкил этди. Уларнинг салкам 60 процентига фахрий беш қирра нишони туширилган. Шу билан биргаликда меҳнат унумдорлигини оширишда ҳам яхши натижаларга эришилди. Бу муҳим кўрсаткич бўйича план 1,5 процент ортиғи билан адо этилди. Унинг ўсиш суръатлари ўтган йиллардагига нисбатан анча жадал бўлди.

— Бунга биз кўп жиҳатдан бригада пудрати усулида меҳнатни ташкил этишга эътиборни кучайтираётганлигимиз туфайли муваффақ бўляпмиз,— дейди биз билан суҳбатда фабрика партия ташкилотининг секретари Татьяна Кукета.— Ҳозирги кунда корхонамиздаги мавжуд бригадаларнинг деярли 90 проценти шу истиқболли усул асосида ишламоқда. Бундай бригадаларда иш унуми ҳам, сифати ҳам яхши бўляпти. Корхонамиздаги М. Эшматова ва М. Борисова сингари тажрибали ишчилар бошчилик қилаётган бригадалар биринчилар қатори пировард меҳнат натижаларига қараб ҳақ тўлаш усулида ишни ташкил этишга киришган эди. Ҳозирги кунда бу икки коллективнинг ҳар бири фабрикамиздаги етакчи бригадалар сафига чиқиб олган.

Материаллардан тежаб-тергаб фойдаланиш, уларнинг беҳуда исроф бўлишига йўл қўймаслик борасида ҳам фабрика коллективи салмоқли натижаларга эришмоқда. Ўтган йили бунинг эвазига 8 минг сўмлик хомашё тежаб қолинди. Бу билан қўшимча 1500 дона тикувчилик буюмлари ишлаб чиқариш имконияти вужудга келди.

Фабрика коллективи ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун зарур чораларни белгилади. Ҳозирги кунда барча цех ва участкаларда ишлар қизғин олиб боriляпти.

**Р. АҲМАДАЛИЕВ.**

## КЎТАРИНКИ РУҲ БИЛАН

ТОШКЕНТ районидаги С. Раҳимов номли колхоз чорвадорлари йилдан-йилга эл дастурхонига гўшт, сут, тухум ва бошқа турдаги чорвачилик маҳсулотлари етказиб беришни кўпайтириб бормоқдалар. Хўжалик чорвадорлари 1985 йилни ҳам кўтаринки руҳ билан бошладилар. Улар соғин сигирлар маҳсулдорлигини пасайтириб юбормаслик учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Айниқса, колхоз бўрдоқибоқарлари баракали меҳнат қилишяпти. Улар ҳозиргача давлатга 30 тоннадан ортиқ гўшт топшириб, квартал планини ошириб бажаришди. Гўштга топширилган бўрдоқилар юқори семизликда бўлди. Искандар Ҳамидов, Ҳаитбой Қодиров, Муҳсим Қодиров сингари бўрдоқибоқарлар бу ютуққа салмоқли ҳисса қўшдилар.

**Т. ЖЎРАЕВ.**

